



# Milliy tiklanish

№ 2 (1151) 2022 йил 19 январь, чоршанба

## ҚАРОР ҚАТЪИЙ!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ  
ҚАМРОВИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

2

## Устозни эслаб

ёки бир мақола  
тарихи хусусида

6

## Фатво ЭНГ НОЗИК масала

8

**О**лий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида куйи палата, шунингдек, кўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ахборотлари эшитилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов куйи палатанинг 2021 йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилар экан, кейинги йилларда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари билан бир қаторда депутатларнинг сайловчилар билан мулоқоти ва палатанинг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти жонланаётганини таъкидлади. Спикер, шунингдек, эришилган натижаларга қарамай, ҳали парламент фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам кузатилаётганини, хусусан, барча депутатлар ҳам ўз сайлов округларида қониқарли даражада ишламаётгани, куйи палатанинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги талаб даражасида эмаслиги, партиялар фракцияларининг ОАВ билан алоқалари сайловчилар талаби даражасида йўлга қўйилмаганини таъкидлади.

Давоми 2-саҳифада



# ПАРЛАМЕНТ

## ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНА ОЛДИМИ?

## ОЛИЙ МАЖЛИС

қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи ҳар қандай ҳаракатга нисбатан жазо чораларини кучайтирмоқда

2

«ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ «ОЁҚҚА ҚЎЙМАС» ЭКАНМИЗ, ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШМАЙДИ»

3

«БУСТЕР ДОЗА СУСАЙИБ БОРАЁТГАН ИММУН ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАДИ»

Халқаро экспертларнинг фикрича, вақт ўтиши билан эмлангандан кейин ҳосил бўлган антитаначалар камай бошлайди.

4

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР

биноси оstonаида адолатга умид қилиб, кун ўтказётганлар, хусусан, никоҳдан ажратиш масаласи кўрилатган бир вақтда ўз яқинларига «руҳий кўмак бериш»га келган шахслар ва уларнинг жанжалли ҳолатлари камайди

8

«ЭРКАТОЙ»НИНГ ТАҚДИРИ

1591 йил Хидёйошнинг буйруғига биноан Рикю қамоққа олиниб, ўлимга ҳуқум қилинади. Қатлдан аввалроқ Рикю ўз жонига қасд қилади.

5



## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

# НОМЗОДИГА

## ОВОЗ БЕРИНГ!

# МАНСАБДОРЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ,

## ДЕПУТАТЛАР ШИЖОАТЛИ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ЙЎҚ!

Маҳаллий Кенгаш сессияларига 556 та (2020 йилнинг мос давридагига нисбатан 128 та кўп) масала-таклиф киритилган бўлса, доимий комиссияларга олиб чиқилган таклифлар сони 1157 тани (утган йилнинг шу даврига нисбатан 209 тага кўп) ташкил этди.

3

## ФИРРОМЛИК

ёки маданий пултопарлик «уйин»ларидан Бош вазир ўринбосарининг хабари бормикан?



7

# ЖАБРДИЙДАЛАР ДОДИНИ

ЭШИТИШ ВА...  
ҚОНУНЧИЛИКНИ  
УЗГАРТИРИШ КЕРАК



4

# Ихтисослаштирилган таълим қамровини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича вазифалар қўйилди

Президент Шавкат Мирзиёев 17 январь куни мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.



Мамлакатимизда кўплаб таълим масканлари қурилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда. Президент мактаблари қурила бошлаганда давлатимиз раҳбари улар бошқа муассасалар учун андоза бўлиши, таълим муҳитини ўзгартиришни айтган эди. Шундай бўлапти. Жамиятимизда илмга интилиш кучайди. Фарзандини яхши ўқитаман деган ота-оналар, ўқишга қизиққан ёшлар кўпайди.

2019 йилда юртимизда 271 та ихтисослаштирилган мактаб бор эди. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуслари, қабул қилган қарорлари натижасида математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил топди.

Шу тариқа халқ таълими тизимидаги бундай мактаблар сони 790 га етди. Улар-

нинг 135 таси тўлиқ ихтисослаштирилган ва ётоқхонаси мавжуд. Қолган 655 та мактабда атиги 25 фоиз синфларда у ёки бу фан чуқур ўргатилади. Улардаги таълим дастури, ўқитиш методикаси, фан тўғрисида оддий мактаблардан деярли фарқ қилмайди. Мисол учун, математика ёки чет тилига ихтисослашган синфларда 2 соат кўпроқ махсус фан ўтилади, холос.

Бугунги замон талаби, келгусидаги тараққиёт суръатига муносиб бўлиш учун бу етарли эмас. Шу боис йиғилишда ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бир нарсани чуқур тушуниб олишимиз керак: ихтисодиётимизга жуда катта марра олганмиз. Бу йил экспортимизни 14 миллиард долларга чиқармоқчимиз. 2025 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга, экспорт ҳажминини 30 миллиард долларга етказишни

режа қилганмиз. Буни ким қилади? Билимли кадрлар! – дея таъкидлади Президент.

Ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши белгиланди.

– Бу Агентликни фақат 14 та мактаб учун тузганимиз йўқ. У Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларга ҳам олиб кириши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун янги йўв йилдан бошлаб, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ва шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олиниб, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказиладиган бўлди. Бунда ўша ҳудудда ривожланган тармоқлар, азалдан кучли ўқитилган фанларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Шу мақсадда ишчи гуруҳ тузиб, ҳудудлардаги шароитларни ўрганиш, танланган мактабларни янги стандартлар асосида ўқув йилига тайёрлаш юзасидан

кўрсатмалар берилди.

Ихтисослаштирилган мактабларга қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш кераклиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

– Ихтисослаштирилган мактаб дегани 2 соат кўп дарс ўтиш дегани эмас. Унда болалар махсус фан бўйича тўлиқ билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиши зарур. Ўқувчиларда миллий рух, ватанпарварлик ҳисси баланд бўлиши керак, – деди Президент.

Мактаб таълимини ривожлантиришга маҳаллий ҳокимликлар, университетлар ҳам масъул экани, ўзлари учун истиқболли кадрлар захирасини тайёрлаб бориши зарурлиги таъкидланди.

Таълим даражаси, аввало, ўқитувчининг билим ва малакасига боғлиқ. Шу боис ихтисослаштирилган мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов

асосида қабул қилинади. Президент таълим муассасалари агентлигига ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш топширилди.

Агентликнинг Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизида илмий марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. У ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илғор таълим дастурлари ишлаб чиқиш билан шугулланади.

Бу ишларни самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда Президент таълим муассасалари агентлигининг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари мактабларда хорижий тилларни ўқитиш сифати пастигини кескин танқид қилди.

– Ривожланган мамлакатларда олийгоҳда тил ўр-

гатамайди. Чунки талабалар ёшлигиданоқ иккита тилни билади. Биз 1-синфдан 11-синфгача чет тилини ўргатамиз. Лекин мактабни битирган болаларнинг неча фоизи шу тилда гаплаша олади?! Бунга давлатнинг қанча пули кетаяпти! Қани натижадорлик, – дея ҳақли савол қўйди Президент.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги бошқа мактабларда ҳам таълим сифатини ошириш, фанлар ва хорижий тилларни чуқур ўргатиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

– Таълим тизимини «оёққа қўймас» эканмиз, ислохотлар амалга ошмайди. Буни битта вазирлик ёки агентлик ҳам қилолмайди. Бунга бутун халқимиз, жамиятимиз кўрсаткичи керак. Наҳотимиз мактабда, наҳотимиз таълимда, наҳотимиз билимда, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижроси бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Олий Мажлисида

(Бошланғичи 1-бетда)

# ПАРЛАМЕНТ ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНА ОЛДИМИ?

Шу ўринда Спикернинг парламент ва депутатлик сўрови институтининг натижадорлиги сезилмаётгани ҳамда парламент сўровларига ҳукумат аъзоларидан келаётган жавобларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги ҳақидаги фикрлари миллий парламентни чинакам халқ уйига айлантириши йўлида ҳали кўп изланишлар олиб борилиши лозимлигини кўрсатди, дейиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида парламентни халқ уйига, депутатларни эса халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантириш мақсади илгари сурилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги фармонида мувофиқ, Қонунчилик палатаси мажлисларининг жонли эфирга узатилаётгани ҳам бу йўлдаги дадил қадамлардан бири сифатида баҳоланаётгани бежиз эмас.

Аммо бунинг ўзи етарли эмаслиги, бугун Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва улар ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Албатта, парламент куйи палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракциялари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатда кўппартиявийликни мустаҳкамлаш, партия электорати манфаатларини ифода этиш, қонун ижодкорлиги ва халқчиллигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ишлари тўғрисида тўғри партиялар фракциялари билан боғлиқ.

Ялпи мажлисда, шунингдек, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодировнинг фракциянинг 2021 йилдаги

фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, партиянинг 2020 – 2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида 50 га яқин қонунларни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган эди. Ўтган йили фракция аъзолари томонидан 9 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Энг муҳим қонунлар сифатида эса «Таълим тўғрисида», «Мактабгача таълим-тарбия тўғрисида», «Виждон эркинлиги тўғрисида» ва «Давлат тили ҳақида»ги қонун лойиҳаларини тилга олиш мумкин.

Ўтган йилда Сайловолди дастурининг 116 та банди ҳам ижро этилди. Шундан, 17 та вазифа Қонунчиликда, 45 та вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларида, 34 та вазифа Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг меъёрий ҳужжатларида акс этди. Айни пайтда эса regulation.gov.uz да 6 та вазифа муҳокама қилиняпти.

Партия фракцияси «Ҳукумат соати» институти ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисларидаги Ҳукуматнинг йиллик ва ярим йиллик ҳисоботлари, бюджетни тасдиқлаш ва ҳисоботини эшитиш институтларидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Жумладан, ўтган йили фракция ташаббуси билан Фавқулодда вазирлар, Адлия, Халқ таълими, Мактабгача таълим ва Транс-

порт вазирларининг ахборотлари эшитилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Эътиборга молик томони шундаки, ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли қўшимчалар киритилмоқда. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, жумладан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни эълон қилмаслик ёки тўлиқ эълон қилмаслик, эълон қилиш муддати ва тартибининг бузиш, маълумотларни нотўғри кўрсатганлик учун жавобгарлик белгиланяпти.

Лойиҳа билан мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда

судга тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Йиғилишда депутатлар «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Маълумки, инсон ўз ҳаёти давомида доимо ўзаро мулоқот қилиш, фикр ва таъриба алмашиш, бир-бирдан хабардор бўлишга интиланган ва бу эҳтиёж почта хизмати орқали қондирилган. Почтанинг илк кўринишлари қадимги Мисрда пайдо бўлган айтилса-да, дунё тамаддуни бешикларидан бири ҳисобланган қўхна дериғузидан ҳам почта хизмати босқичма-босқич ривожланиб борганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Жумладан, Амир Темур салтанатида мукаммал почта бўлиб, Соҳибқироннинг амру фармонлари барча ҳудудларга зудлик билан етказиб турилган. Манбаларда қайд этилишича, Эрондан Самарқандга шошилинч хабарлар 3 кунда етказилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ташаббуси билан эса Шарқда илк бор том маънодаги почта хизмати йўлга қўйилган. Ушбу соҳа хизматчиларига алоҳида кийим-бош, маош берилиб, манзилга тез етиб боришлари учун уларнинг хавфсизлиги ҳам таъминланган.

Мамлакатимиз ҳам мустақилликка эришгандан кейин ушбу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо бугунги тезкор давр талаблари 2000 йилнинг 31

августидан қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуннинг ахборот технологиялари шароитида бугунги замонавий реалликларга жавоб бермай қолганини кўрсатмоқда. Шу боис, янги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Унга соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, аҳолига тезкор, замонавий, ишончли ва сифатли хизмат қилишга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қўйноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибининг такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Депутатларнинг таъкидлашича, лойиҳада терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар – суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг моддий, маънавий ва бошқа зарарлар давлат томонидан қопланиши белгиланмоқда. Яъни, қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи ҳар қандай ҳаракатга нисбатан жазо чораларини янада кучайтириш керак.

Дониёр ТОШБОЕВ,  
Равшан МАҲМУДОВлар  
тайёрлашди.

4 | Жабрдийдалар додини эшитиш ва... қонунчиликни ўзгартириш керак

8 | Нафақат ташлаб кетилган, балки воз кечилган бўлсанг-чи?!

Тан олишимиз керакки, кейинги беш йилда Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар сабаб аҳолининг сивсий тафаккури, онги, иқтисодий ва ижтимоий соҳага бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Энг муҳими, ҳеч ким энтрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлмади. Бугун ҳатто ёшлар ҳам ўзгаришларга, ҳатто қонун, фармон, қарор ва давлат дастурларига нисбатан ўз муносабатларини билдирмоқдалар, мавжуд муаммоларга ечимлар таклиф этишяпти. Бу шубҳасиз, жамиятда халқ розилиги гоёси оммалашиб бораётганини, бу жараёнда депутатлар ҳам фаол иштирок этаётганларидан ҳам далолат беради.



# МАНСАБДОРЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ, ДЕПУТАТЛАР ЭСА ШИЖОАТЛИ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ЙЎҚ!



Ўрганишлар натижасида 43 та, хусусан, камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастурлар ижроси юзасидан 10 дан ортиқ масала-таклифлар тегишли Кенгаш сессияларига олиб чиқилди. Буни ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, Андижон вилоятида 91 та, Наманган вилоятида 79 та, Тошкент шаҳрида 71 та, Сирдарё вилоятида 20 та, Самарқанд вилоятида 24 та, Хоразм ва Қашқадарё вилояти депутатлари томонидан эса 24 тадан масала сессияга киритилган.

«Маҳаллабай» ва «Фуқаробай» ишлаш доирасида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасида аниқланган 27390 муаммо аниқланиб, шундан 19250 таси ижобий ҳал этилган.

Депутатларнинг аҳоли, хусусан, сайловчилар, электорат вакиллари билан ҳамкорлигини яхшилаш мақсадида эса «Сизнинг депутатингиз» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бугунгача 2728дан ортиқ МФЙларда ана шу лойиҳа амалга оширилиб, маҳаллий аҳоли томонидан депутатларга исталган вақтда тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти яратиб берилди. Шунингдек, «Депутатнинг бир куни», «Депутат халқ хизматида», «Фаол депутат: муаммо ва ечим» каби партиявий лойиҳалар доирасида депутатлар фаолияти кенгрок ёритилмоқда.

Албатта, депутатлар фаолиги биринчи навбатда аҳоли оғирини енгил қилиш, мавжуд муаммоларини ҳал этиш билан чекланиб қолмайди. Бугун депутат зиммасига давлат дастурларининг жойлардаги ижросини назорат қилиш, том маънода қўмакка муҳтож фуқаролар учун имтиёз ёки ёрдамлар уюштириш, бир сўз билан айтганда, ҳукумат ва халқ ўртасида ишончли кўприк бўлиш вазифаси юклатилган.

Аммо юқорида қайд этилган «100» рақами мансабдорларнинг масъулияти, депутатларнинг эса шижоатли бўлиб қолмаганини кўрсатяпти. Бас шундай экан, ҳали-бери сиёсий майдондаги иллатларни бартараф этиш учун кураш давом этишини унутмаслигимиз керак.

Улуғбек САФАРОВ, Депутатлик бирлашмалари ва бошлангич партия ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи

қўрсаткич Андижон вилоятида қайд этилгани кўринади. Хусусан, 512 та сўров орқали тақдим этилган муаммонинг 491 (96%) таси, Фарғона вилоятида 311 тадан 283 таси (91%) ижобий ҳал этилган. Жавоб қайтарилмаган депутатлик сўровлари Қашқадарё вилоятида 25 та, Наманганда 20, Тошкент вилоятида 16, Фарғона вилоятида эса 10 тани ташкил қилган. Навоий вилоятида 39 та, Самарқанд вилоятида 30 та, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 29 та сўровга мuddатидан кечики жавоб қайтарилган.

Маълумки, депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб қайтармаслик «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 8-моддасига, яъни, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатни мазкур сўров олинган кундан ўн кундан кечиктирмай юборилиши» тўғрисидаги нормага зид иш тутиши, деганидир. Шу ўринда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 193-моддасига асосан бундай мансабдорлар тегишли маъмурий судлар томонидан айбдор деб топилди, ўрнатилган тартибда маъмурий жазо (жарима)га тортилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги маърузаларидан бирида айнан шу масалага тўхталиб: «Парламент ва депутат сўровини кўриб чиқмаганлик ёки кўриб чиқиш мuddатини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қучайтирилди. Шунга қарамадан, афсуски, айрим ҳолларда депутат сўровига раҳбарнинг ўзи эмас, балки унинг ўринбосари, ҳатто бошқарма бошлиқлари жавоб қайтармоқда. Узингиз айтинг, қани бу масалада халқ вакилининг обрўси? Парламентга ва депутатга бўлган ҳурмат шуми?» дея таъкидлаган эдилар.

Тегишли идораларга жўнатилган жами сўровларнинг 2,6 фоизига кечики жавоб қайтаргани, 1,4 фоизига эса умуман жавоб қайтармаган мансабдорлар эса депутатларнинг фақат ўзбекилик нуктаи-назаридан уларнинг айбдорларга чиқармаётганларини ўйлаб ҳам кўрмаётганлар чоғи.

Тўғри, ўтган йили халқ депутатлари Самарқанд шаҳар, Шовот ҳамда Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раҳбарлари депутатларимиз Ш.Алибеков, У.Рузметов ва Ж.Зияевлар томонидан сўровларга масъулиятсизлик билан ёндашган мутасаддиларга, хусусан, Самарқанд шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси бошлиғи ўринбосари У.Туропов, АТ «Халқ банки» Шовот тумани филиали бошлиғи Э.Махмудов ҳамда «Қорасу-1» даҳасидаги Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Э.Халиқоваларга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб тегишли ҳуқуқ-тартиб органларига расман мурожаатлар қилинган. Ва, айбдорлар тегишли тартибда жазоланган ҳам. Лекин бундай чоралар депутатлик сўровларига бепуллик билан қараб келаятган айрим мансабдорларга заррача ҳам таъсир этаётгани йўқ. Акс ҳолда сайловчининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси қамраб олинган 100 та депутатлик сўровига жавоб қайтарилмади, дея ёзиб ўтирмаган бўлардик.

Тўғри, депутатларимизнинг амалий ёрдамлари билан 2021 йилда ишсиз бўлган 7973

нафар фуқаронинг 1030 нафари бандлиги таъминланди. 418 нафар фуқарога кредит олиб берилишида, 3882 нафар шахсга озиқ-овқат ва зарурий тиббиёт воситалар тақдим этилишида, 610 нафарига эса ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш борасида кўмак кўрсатилишида (шахсий ташаббус ва ҳомийлар маблағлар миқдори 1 млрд. 576 млн. сўмни ташкил этади) ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, сектор раҳбарлари ва тегишли масъул ташкилотлар томонидан эса аҳолининг, айниқса, ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этиш билан аҳолининг борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партия ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, 387 та МФЙларда маҳаллабай тизим асосида ўрганиш ишлари олиб борилди. Бунда 1889 та оилалардаги 6226 нафар фуқаро қамраб олинди.

Тўғри, депутатларимизнинг амалий ёрдамлари билан 2021 йилда ишсиз бўлган 7973

2021 йилда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан сессияларга 556 та (2020 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 128 тага кўп) масала-таклифлар киритилган бўлса, доимий комиссияга олиб чиқилган таклифлар сони 1157 тани (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 209 тага кўп) ташкил этди

нафар фуқаронинг 1030 нафари бандлиги таъминланди. 418 нафар фуқарога кредит олиб берилишида, 3882 нафар шахсга озиқ-овқат ва зарурий тиббиёт воситалар тақдим этилишида, 610 нафарига эса ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш борасида кўмак кўрсатилишида (шахсий ташаббус ва ҳомийлар маблағлар миқдори 1 млрд. 576 млн. сўмни ташкил этади) ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, сектор раҳбарлари ва тегишли масъул ташкилотлар томонидан эса аҳолининг, айниқса, ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этиш билан аҳолининг борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партия ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, 387 та МФЙларда маҳаллабай тизим асосида ўрганиш ишлари олиб борилди. Бунда 1889 та оилалардаги 6226 нафар фуқаро қамраб олинди.

Ташаббус

## «Меҳр дафтари»га кимлар киритилади?

Хукуматнинг жорий йил 17 январда қарори билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида «Меҳр дафтари»га киритилади ва ундан чиқарилади. «Меҳр дафтари» тизимига киритилиши ахборот тизимидан фойдаланиш ва маълумотларни киритиш тартиби Миллий гвардия томонидан белгиланади. 2022 йил 1 февралгача мазкур ахборот тизими амалиётга жорий этилади. Ҳуқуқ-тарбия муассасалари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари «Меҳр дафтари»ни шакллантиришга масъул ҳисобланади. Қуйидагилар «Меҳр дафтари»га маълумотларнинг бевосита киритилишини таъминлайди: Халқ таълими вазирлиги томонидан унинг тизимидаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар

шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари ва Оилавий болалар уйлари; Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан унинг тизимидаги Болалар уйлари; «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан унинг тизимидаги болаларни муқобил парварши қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари тарбияланувчилари ва битирувчилари тўғрисидаги; туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги. Дафтарга киритилган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқишлари

тегишли тартибда ўрганилади. «Меҳр дафтари»га киритилган болаларни қўллаб-қувватлаш ишлари қуйидагилар томонидан мувофиқлаштирилади. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар 25 ёшга тўлганда тегишли қарор асосида «Меҳр дафтари»дан чиқарилади. Бунда дафтардан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланган ва уй-жойи мавжуд бўлиши шарт. Бандлиги таъминланмаган ҳолатларда «Меҳр дафтари» ҳисобида туриш мuddати бандлиги таъминлангунгача, бироқ 5 йилдан ортиқ бўлмаган мuddатга узайтирилади.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА

Огоҳ бўлинг!



**Н.Отабеков: «БУСТЕР ДОЗА СУСАЙИБ БОРАЁТГАН ИММУН ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАДИ»**  
Мутахассислар COVID-19га қарши ҳозирча бир маротаба бустер доза вакцина олишни таклиф қилмоқда. Мабодо пандемия узоқ вақт давом этгудек бўлса, бустер дозага бир неча маротаба мурожаат қилиниши ҳам мумкин. Шунингдек, бустер доза вакцинадан фойдаланиш амалиёти тиббиётда анчадан бери мавжуд бўлиб, республикамизда шол, қизамиқ, қизилча, бугма каби қатор юқумли касалликлар вакцинапрофилактикаси жараёнида қўлланилган. Мутахассисларнинг фикрича, бустер доза вакцина билан эмланиш коронавируснинг «альфа», «дельта» штаммларидан ташқари «микрон»дан ҳам ҳимоя қила олади. Мабодо касаллик юкса ҳам, у жиддий асоратларсиз, енгил ўтиб кетади. – Ушбу соҳадаги халқаро экспертларнинг фикрича, вақт ўтиши билан эмлангандан кейин ҳосил бўлган антитаначалар камай бошлайди. Ҳар қандай шахс вакцинанинг 2 ёки 3 дозасини олганидан сўнг унинг организмда COVID-19га қарши антитаначалар пайдо бўлади ва маълум вақт ўтгандан сўнг уларнинг миқдори камайиб боради. Бустер доза билан қўшимча (қайта) эмланиш эса бирламчи эмланишдан кейин ҳосил бўлган иммунитет даражасини қисқа мuddатда кўтариб беради, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати директори ўринбосари Нурмат Отабеков. – Демак, бустер доза орқали сусайиб бораётган иммун тизимини қайтадан барқарор ҳолатга келтириш мумкин.

ЎЗА



Одина  
АБДУХАЛИКОВА,  
ҳуқуқшунос

**К**ейинги кунларда барчамиз Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва ушбу ҳужжатни 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини кизгин муҳокама қилдик. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Тараққиёт стратегияси лойиҳасида энг аввало, инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилгани ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади.

Сир эмаски, бугунги кунда амалга оширилиши ниҳоятда муҳим бўлган вазифалардан бири, бу – оила-маҳалла-жамият манфаатларининг устуворлигидир. Шунга кўра, аввало, маҳалланинг оиладаги иштироки ва ҳамкорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, бунда аввало, ажримларнинг олдини олиш, бола тарбияси, қайнона-келин муносабатларида маҳалла тизимининг роли ҳамда ваколатларини белгилловчи муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Маълумки, Оила Кодексининг 38-моддасида никоҳдан ажратиш суд тартибиде, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилиши белгиланган.

Кодекснинг 41-моддасига кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшаш ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ, деб топса, уларнинг никоҳи бекор қилинади.

Бундан кўринадики, суд у ёки бу тарафлар даъвоси асосида эр ва хотин уртасида тузилган никоҳ масаласини кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

Амалиётдан маълумки, суд ишни кўришда ушбу Кодекс ҳамда Олий суд Пленуми қарорларига асосланади.

Бироқ шу ўринда суд томонидан тарафларга оилани сақлаб қолиш учун бериладиган муҳлат, яраштиришнинг бошқа чоралари қўлланилиши оқибатида никоҳни сақлаб қолиш ёки ажратиш масаласи

бир неча ой, ҳатто бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Бу вақтда эр-хотин агар ихтиёрий ярашиб кетмаса, оила тикланмасдан, фарзандлар ота ёки онанинг меҳридан, эътиборидан бир муддат четда қолиб кетадилар. Натижада болалар руҳий азобларни бошидан ўтказади, энг муҳими, эр-хотиннинг биргаликдаги оиласи масаласи назоратсиз қолиб кетади. Негаки, суд тегишли тартибда тарафларни яраштириш чораларини кўриш ваколатини вақтинча улар яшаб турган маҳаллий ҳокимликларнинг масъул шахслари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларига «топширади», маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳокимликларнинг оила, хотин-қизлар билан ишлашга масъул идоралари эса икки тараф билан ўтказилган суҳбат натижаларини далолатлаштириб, яна ишни судга юборади.

Далолатнома судга юборилганидан кейин МФЙ ва оила институтининг бошқа тизимлари томонидан уларга берилган муҳлат туғаб, суд қарор қабул қилгунига қадар бўлган вақт оралигида тарафларнинг оилавий ишига ҳеч ким аралашмайди, чунки ваколат яна судга қайтган бўлади. Мабодо аралашув рўй берса ҳам, никоҳдан ажралаш ёки ажратиш рад этилишидан манфаатдор тараф, «хаммасини суд ҳал қилишини», «унгача бирор-бир ҳаракатга рози эмаслигини айтиб, эътироз билдириши мумкин.

Ж о й л а р д а г и Х а л қ қабулхоналари ва бошқа ваколатли идораларга асо-

сан хотин-қизлардан келиб тушаётган оғзаки ва ёзма мурожаатларнинг аксарияти эса айнан ана шу даврда болаларнинг сарсон бўлаётгани, уларнинг тарбияси ва моддий таъминоти, уй-жой низолари кескинлашиб бораётгани ҳақидаги норозиликлардан иборат бўлмоқда.

Бунга янги ташкил этилган зўравонликдан жабр кўрган аёллар билан ишлашга ихтисослаштирилган марказларга тушаётган мурожаатлар ҳам мисол бўла олади.

Шундай экан, маҳалла оилалардаги ажрим ишларига ҳам масъул ва ваколатли бўлиши кераклигини давр тақозо қилмоқда. Яъни, бизнингча, маҳалланинг бу борадаги қарори ижроси ҳам суд қарори ижросидан кам бўлмаслигига эришиш лозим. Бунинг учун эса суддан тарафларни яраштириш учун муҳлат бериш ёки бошқача тарзда яраштириш чораларини кўриш ваколати тўлиқ маҳаллага олиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Суд эса бошқа фуқаролик ишлари қаторида белгиланган бир ой ичида тарафларни «ажратиш» ёки никоҳни сақлаб қолишга имкон берувчи «рад этиш» қарорини қабул қилиши керак.

Хўш, бундай ўзгариш қандай натижа беради?

**Биринчидан**, суд Оила Кодекси асосида белгилаб қўйилган ваколати ва вазифаси, яъни «никоҳдан ажратиш» вазифасини амалга оширади. Судларда никоҳдан ажратиш ишлари «узок вақт ечимини топмаган ишлар» сифатида судьянинг ҳар ойлик хисоботида турмайди (тўғри, никоҳдан ажратиш ишлари «узок вақт ечимини топмаган ишлар» рўйхатига киритилмаган бўлсада, мазмунан шундай ишларга қиради), тарафлар эса бир неча марта битта иш бўйича қайта-қайта давлат божи тўлаб, судга мурожаат қилмайдилар.

**Иккинчидан**, судда никоҳдан ажратиш иши кўрилиб, қонуний қарор қабул қилингунигача бўлган вақт оралигидаги «назоратсизлик» барҳам топади, маҳалла ўзи қабул қилган қарори устидан доимий назорат ўрнатиб, низоли оила билан шуғулланади, низони келтириб чиқарган шарт-шароитлар ва оқибатларини аниқлайди, ваколатли тарзда уларни бартараф этиш чораларини ҳам кўради.

Маҳалла раисидан тортиб, барча фаолларгача маҳаллада яшовчилар шароитини яхши билганлари учун ҳам ажралашгача бўлган жараёнларни назорат қилиш учун осон кечади. Шунингдек, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаолларининг оилани сақлаб қолишга доир масъулияти ортади, ваколатлари эса мустаҳкамланади. Зеро, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларни келтириб чиқараётган омиллар бартараф этилмас экан, оилани сақлаб қолиш эҳтимоли камайверади.

**Учинчидан**, фуқаролик ишлари бўйича судлар биноси остонасида адолатга умид қилиб, кун ўтказаятганлар, хусусан, никоҳдан ажратиш масаласи кўриляётган бир вақтда ўз яқинларига «руҳий кўмак беришга» келган шахслар ва уларнинг жанжалли ҳолатлари камайдиган Ваҳоланки, бундай ҳолатлар



судлар фаолиятига ҳалақит қилади. Суд қароридан норози тараф эса аксарият ҳолларда иккинчи тараф билан хатто муштлашишгача боради...

Агар юқоридагидек маҳаллага қўшимча ваколат берилса, ушбу чигалликларга ечим топилган бўларди.

**Тўртинчидан**, энг муҳими, фуқароларнинг ўзи яшаб турган маҳалласига бўлган ишончи ортади. Зеро, барчанинг борар жойи суд ёки ички ишлар органлари эмас, биринчи навбатда жонажон маҳалласидир.

Маълумки, «Миллий тикланиш» демократик партияси ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун анчадан бери «Алимент фондини» ташкил этиш таклифини илгари сураётган эди. Қайд этиш жоизки, амалдаги Оила Кодексининг 98-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар.

Бироқ амалиёт ота-она ўртасидаги ўзаро келишув кўпинча оғзаки бўлиб, келишув бузилган тақдирда, алимент тўловчи бола учун алимент олувчига кўрсатаётган моддий ёрдамни исботлашга қийналади, бунинг асосини эса кўрсатиб бера олмайди, «иккинчи тарафнинг талабига нисбатан эътироз» деб қабул қилинади, холос. Бу ҳолат эса кўпинча гувоҳлар асосида тасдиқланмайди.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда алимент тўловчи алимент ундирувчининг тегишли тартибда судга ёки бошқа ваколатли органларга мурожаат қилишини ва алоҳида қарор асосида алимент тўлашни маъқул кўради.

Ваҳоланки, ваколатли орган қарори қабул қилиниб, у ижрога қаратилгунига ва қарздорга етиб боргунига қадар бола таъминотсиз қолиб кетади.

Партия томонидан таклиф этилаётган Алимент фонди эса шу каби ҳолатларга ечим бўлиши мумкин. Хусусан, ундирувчи фондга алимент олишга ҳақли эканини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади, ҳужжатларни ўрганиш муддати ичида қарздорга хабар берилади, агар белгиланган қисқа (уч кун ёки беш кун) муддат ичида қарздор ихтиёрий равишда алимент тўлашдан бўйин товласа, фонд ундирувчига бола таъминоти учун алимент

тўлашни бошлайди ва бир вақтнинг ўзиде қарздордан регресс тартибда алимент ундириш чораларини кўради.

Фонд томонидан ундирилиши белгиланадиган алимент миқдори амалдаги Оила Кодекси билан белгиланган миқдорларга мутаносиб бўлиши шарт.

Кодекснинг 105-моддаси талабига кўра, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан конунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминоти қоладиган бўлса, шунингдек алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналаётган бўлса, ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайирилиши мумкин.

Кодекснинг 99-моддасига кўра, алимент миқдори қарздорнинг ойлик иш ҳақи ва даромадининг уч ва ундан ортқ бола учун, ярмиси миқдориде ундирилиши белгиланган бўлиб, бу каби ҳолат уч нафар фарзанди учун алимент олаётган ундирувчининг манфаатларига тўғри келмайди, қарздор учун эса, бошқа фарзандлари манфати учун алимент миқдорини камайириш қўлай бўлиб қолади. Суд амалиётдан маълумки, аксарият шикоятларда ундирувчи алимент миқдори камайганлигидан норозилик билдиради. Айрим ҳолларда қарздор алимент миқдорининг камайирилишини билгани ҳолда, иккинчи ва учинчи оила қуриб, фарзандлар сонини кўпайиши ва шу билан моддий аҳволи танглашиб қолишидан чўчимади.

Шунинг учун, Оила Кодексининг 105-моддасини юқоридагидек талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгариштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, ногиронлиги бор ёки бошқа сабаблар билан алимент тўлашга қўрби етмайдиганлар, бошқа алимент тўловчи (бобоси, бувиси ва ҳоказо) бўлмаган қарздорларга айрим имтиёзлар берилгани ҳолда, алимент миқдорини камайириш масаласи қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан эса боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига, яъни ажралишлар сонининг кескин камайишига эришилади.

Кутинг!

**Маҳаллага чиқиб, болаларимга нафақа пули сўрасам, бу манзилда рўйхатда турмаслигимни, собиқ турмуш ўртоғимнинг маҳалласига борсам, икки йилдан буён бу ерда яшамаслигимни рўқач қилишади. Кўжайиним аллақачон уйланиб, фарзандли бўлган, алимент пулини эса бермайди. Ажримга берай десам, ўзимда пул йўқ. Ишлай десам, болаларим ҳали ёш. Акамнинг топганига шерик бўлиб яшайман. Хорижга чиқиб ишлаш ҳақида ҳам ўйладим. Аммо болаларимни кўзим қиймаяпти. Бошим қотган, АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ?**

Келгуси сонларда



Юрак туғма нуқсонлари билан оғриган беморларда жами 660 та жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлиб, уларнинг 45 таси вилоятларга амалга оширилди. «Аорто-коронар шунтлаш» бўйича 384 жарроҳликнинг 57 таси, қариндошлар уртасида буйрак трансплантацияси бўйича қилинган 258 та жарроҳликнинг 29 таси вилоятлар хиссасига тўғри келди.

# САЙЛОВ — 2022

## «Миллий тикланиш» демократик партияси НОМЗОДИГА ОВОЗ БЕРИНГ!



# ОДАМЛАР УЧУН, УЛАРНИНГ ТИНЧЛИГИ, СОҒЛИҒИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ УЛУҒЛАШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ БУРЧИМИЗ

Инсон учун саломатликдан кўра азизроқ неъматнинг йўқлигини пандемия даврида юз берган йўқотишлар яна бир марта исботлади. Соғлиқ энг катта давлат, хотиржамлик ва бахтиёрлик манбаи ҳам экан. Аммо иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Шундай пайтларда шифокорлар жонимизга оро қирадилар. Айниқса, бугун коронавирус балоси ҳамон эшик қоқиб турган бир шароитда саломатликнинг қадрини ва шифокорлик касбининг қанчалар шарафли эканини юрак-юракдан ҳис қиляпмиз.

Орамизда шундай шифокорлар борки, улар ўз ҳаётларини одамларнинг саломатлигига бахшида этганлар. Шундай шифокорлардан бири Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Сайдимурод Исмоиловдир.

Маълумки, кўп тармоқли илмий ва тиббиёт маркази мамлакатимиз жарроҳлик хизматининг флагмани бўлиб, бугун бу ерда қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси ва кардиожарроҳлик йўналишидаги энг мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Яъни, Марказий Осиё давлатларида бундай жиддий операцияларнинг аксарияти айнан В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ-да қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда С.Исмоиловнинг раҳбарлиги даврида Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг бошқа ҳудудлардаги фаолияти ҳам кескин ўзгарди. Яъни, унинг бошчилигидаги етакчи мутахассислар турли вилоятларда бўлиб, ҳамкасбларининг малакасини ошириш билан бирга, жиддий жарроҳликларни ҳам амалга ошира бошладилар.

Бунгача эса марказда ихтисослаштирилган жарроҳлик ёрдами сифатини янада ошириш мақсадида 14 та ҳудуд учун етакчи профессор-мутахассислардан иборат «вакил»лик дастури ишлаб чиқилди. Унинг доирасида ўтган йили вилоятларда ўтказилган юқори-технологик хирургик амалиётлар сони кўпайди.

Жумладан, юрак туғма нуқсонлари билан оғриган беморларда жами 660 та жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлиб, уларнинг 45 таси вилоятларда амалга оширилди. «Аорто-коронар шунтлаш» бўйича 384 жарроҳликнинг 57 таси, қариндошлар ўртасида буйрак трансплантацияси бўйича қилинган 258 та жарроҳликнинг 29 таси вилоятлар хиссасига тўғри келди.

С.Исмоиловнинг сай-ҳаракатлари билан республикада илк бор юқори технологик хирургик амалиётларидан бири бўлган буйрак транспланта-

цияси Наманган вилоятида муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳам шундай амалиётлар олиб борилди.

Таъкидлаш лозим, сўнгги йилларда Марказнинг дунёнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлиги ҳам ривожланмоқда. Ҳамкорликда диагностика ва даволашнинг энг илғор ва юқори самарали усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётда муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Истиқболли йўналишлардан бири туғма юрак нуқсонлари бўйича жарроҳлик йўналишини ривожлантиришдир. Марказда юрак-қон томир тизимининг туғма нуқсонлари бўлган болалар учун энг мураккаб операциялар амалга оширилади. Ўтган йил давомида марказ 3 ёшгача бўлган болалар учун (186 та операция) аралашувлар ҳажмини кескин оширди ва дунё даражасида бундай операциялар энг қийин, деб ҳисобланади. Мазкур бўлим томонидан 2021 йилда жами амалга оширилган операциялар сони 562 тани ташкил этди.

Марказ фаолиятининг алоҳида йўналиши мамлакатимизда трансплантация хизматини жорий этиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Марказ 567 та қариндош гетеротопик буйрак трансплантациясини амалга оширди. Шу билан бирга, амалга оширилган аралашувлар сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Яъни, 2019 йилда 88 та, 2020 йилда 104 та, 2021 йилда эса 216 та операция амалга оширилди. Қувонарлиси, ушбу операцияни ўтказган беморлар орасида ўлим ҳолатлари ва асоратлар фоизи етакчи хорижий клиникаларникидан ошмаган.

Яна бир истиқболли йўналиш бу — ортотопик жигар трансплантациясини жорий этишдир. Таъкидлаш жоизки, ушбу аралашув дунёдаги энг мураккаб жарроҳлик операцияси ҳисобланади. Жигар трансплантациясини жорий этиш бўйича дастурнинг биринчи босқичи аллақачон яқунланган. Шунини қайд этиш керакки, цир-



роз ва бошқа терминал жигар касалликлари билан оғриган беморлар учун трансплантация ягона радикал даволаш усули ҳисобланади. Марказда юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида хорижий мутахассислар билан биргаликда республикамизда биринчи бўлиб тирик донордан 9 та ортотопик жигар трансплантацияси амалга оширилди.

Ўзбекистонда жигар трансплантацияси дастурини ривожлантиришнинг янги босқичи етакчи хорижий клиникалар билан ўзаро ҳамкорлик натижасидир. Ҳамкорлик доирасида мамлакат раҳбарияти қўмағида фақатгина 2021 йилда жарроҳлик маркази мутахассислари Россия ва Беларусь давлатларида қайта малака оширишдан ўтди. Буларнинг барчаси 2021 йил 14 август кuni марказ мутахассислари гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасида илк бор тирик қариндош донордан мустақил равишда биринчи марта ортотопик жигар трансплантациясини амалга ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, марказ мутахассислари жигарда декомпенсацияланган патологик жараёнлар билан оғриган кўплаб беморларга маслаҳат беришди. Беморлар гуруҳи орасида энг оғир контингент танланди, бу эса жигар трансплантациясини дарҳол амалга оширишни талаб қилади. Кейинчалик марказ ходимлари томонидан яна 5 та мустақил операция қилинди. Шундай қилиб, 2021 йилда 8 та жигар трансплантацияси амалга оширилди.

Марказда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш, жигар трансплантациясини давомий йўлга қўйиш мақсадида марказнинг етакчи мутахассисларидан иборат жамоа эса Россиянинг Академик В.Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий аъзолар миллий тиббиёт тадқиқот марказига малака ўташга юборилди. Натижада малака ўтаб қайтган етакчи мутахассислардан иборат жамоа томонидан марказда энг мураккаб операциялар

амалга оширилмоқда. Марказда бошқа давлат фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш дастури ишлаб чиқилиб, марказ негизига тиббий туризм бўлими ташкил этилди. Марказ ташаббуси билан хайрия мақсадида туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларни 10 кунлик бепул кардиожарроҳлик маслаҳати ва кўриқдан ўтказиш акцияси ҳам ўтказилди.

Шу ўринда марказ ҳудудида янги мини-кислород станцияси фойдаланишга топширилганини ва бу марказнинг кислородга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини бераётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.


Андижон вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази негизига эса кардиожарроҳлик хизмати ташкил этилиб, болаларда мураккаб юрак операцияларини амалга оширишда илмий-услубий ёрдам кўрсатила бошланди.

Беморларга ихтисослаштирилган маслаҳатлар, шифокорлар учун маҳорат дарслари ўтказиш ҳам марказ учун одатий ҳолга айланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси мунтазам сафарлар уюштирилиши натижасида у ерда илк марта мураккаб кардиожарроҳлик ва лапароскопик амалиётлар ўтказилди.

Албатта, бундай хайрли ишларнинг бошида Сайдимурод Исмоилов бошчилигидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази турибди.

Яқинда кўп сонли юртдошларимиз ва партиядошларимиз тақлифига биноан С.Исмоилов номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги бўшаб қолган 22-Чуқурсой сайлов округидан депутатликка кўрсатилди. Бўлиб ўтган сайловда эса Либерал-демократик партияси номзоди билан тенг овозга эга бўлган номзодимиз яна қайта овоз беришга қолдирилди.


Шунинг учун ҳам яқшанба кuni ўтадиган қайта овоз бериш жараёнида номзодимизга омад ёр бўлишини тилаймиз. Зеро, ғалабага эришиб, фидойи, жонкуяр ва ватанпарвар депутатларимиз сони яна бир нафарга ортишига умид билдириб қоламиз!



Яқшанба кuni ўтадиган қайта овоз бериш жараёнида номзодимизга омад ёр бўлишини тилаймиз. Зеро, ғалабага эришиб, фидойи, жонкуяр ва ватанпарвар депутатларимиз сони яна бир нафарга ортишига умид билдириб қоламиз!

Кутинг!

### ЁҚИМСИЗ ҲАҚИҚАТ УЧУН УЗР, ЛЕКИН БИЗ КИРГАН (СТУНГИ) КЛУБЛАРДА 70 ФОИЗ ҚИЗЛАР ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ ЭДИ...



Келгуси сонларда



Азизхон домлани таниганларнинг аксарияти у кишини кўнрақ ухшатишарди. Ҳақиқатдан ҳам шундай, домла ҳамма илм толибига миллати, дини, ирқидан қатъий назар бир хилда нур сочганлар, илм сарчашмасидан баҳраманд қилганлар.

Чоршанба  
19 январь, 2022 йил  
№2 (1151)

# УСТОЗНИ ЭСЛАБ

## ёки бир мақола тарихи хусусида

«Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетасида эълон қилинган бир мақола сабаб Азизхон домла билан танишганим ва кейинги ҳаётимда туб бурилиш юз бергани хусусида ҳар қанча гапирсам арзийди.



Дадам Нишонбек Эшонов Азизхон домла Қаюмов билан Қўқон шаҳрининг Чорсу даҳасида жойлашган 3-мактабда бир синфда, бир партада ўтириб, таҳсил олишган экан. Шунинг учун ҳам дадамлар домланинг факултода кучли хотиралари, ёшлиқдан мумтоз адабиёт билимдони бўлганларини кўп эслар эдилар. Хотиротларини тиклар эканлар адабиёт ўқитувчилари Ҳамзахон Аббосов дарсда «Азизхон, бир эшитайлик» дея шеър ўқитишларини, ўқувчи Азизхон шеър ўқийётганларида эса устозлари кўзларини юмиб, тебраниб, хузурланишлари, шеър якунида, «э-э, раҳмат, мазза қилиб, шимиб-шимиб тингладикда» деб алқашлари... Домла мана шундай мунаввар сиймо сифатида ёшлиқ тасаввуримга кирганлар.

Ғ.Ғуллом номидаги Қўқон адабиёт музейида ишлаб юрган кезларимда устозим манбашунос, адабиётшунос олим Аҳмаджон Мадаминов (1926–1998) билан бирга қўқонлик шоира Нисо (Қўқон, 1879–Омон, 1966) шеърларини кириллалифбосига ўғириб, нашрга тайёрлаётган эдик. Музей мудири, устозим филология фанлари номзоди Абдуллатиф Турдалиев Нисо шеърлари асосида режага кўра, мақола ёзишим кераклигини айтдилар. Мактабда ёзган хурсанд бўладилар» деб олиб кетдилар.

Очиги, ўша суҳбатда қайси Азизхон домла ҳақида сўз юритилаётганини тушунмагандим. Газетанинг 1996 йил 13 декабр сониди Аҳмаджон Мадаминов ва Салимаҳон Эшонованинг ҳамкорлигидаги «Бевафода замонда Нисо дардлари» номи мақола чоп этилганди. Адабиёт музейига келган газетадаги мақолани кўриб, кўзларимга

ишонмаганман... Чунки, мақола «Танишинг, шоира Нисо» деб номланганди. Шунда устозларим, эҳтимол Азизхон Қаюмов ёки Иброҳим Гафуров мақола мазмунини очиб берадиган чиройли ном беришибди, деб алқашган эди... (Кейинчалик, «Миллий тикланиш» партиясининг раиси Азизхон Қаюмов, газетанинг бош муҳаррири Иброҳим Гафуровлар ожизона ҳаракатимизни нашр эттирганларини англадим). Бироз ўтиб музей мудири Абдуллатиф ака хоналарига чақирдилар ва телефонни узатаётди: «Азизхон домла сўраяптилар», дедилар. Шунда илк бор Азизхон Қаюмов билан суҳбатлашганман. Саломимни эшитиб, Азизхон домла кувнок, кўтаринки кайфият билан: «Табрик этаман» дея мақолани мақтаётди. Сўнг ЎзР ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлэзмалар институтига тадқиқотчи бўлиб ишга келишга, мақолада зикр этилган шоира Нисо асарларидан илмий тадқиқот қилишга таклиф қилдилар. Ҳали ўзимни ўнглай олмай, Тошкентга боришга дадам рухсат бермасликларини айтиб, уэр сўрадим. Кейин билсам, Абдуллатиф домла орқали уй телефонида кўнғироқ қилиб, дадам ўзларини таништириб улгурмасларидан, ман ҳақимдаги таклифларини айтибдилар аммо...

Азизхон домланинг жаҳллари чиқиб: «Сиз қандай атасизки, мустақиллик даврида ҳам қизингизнинг илми, иқтидорига тўқинлик қиласизми?» қабилидаги сўзлар билан қаттиқ койибдилар. Дадам, хижолат тортиб, вазиятни бироз юмшатиш мақсадида: «Тўхтанг, тўхтанг, Азизхон, танимадингиз-а? Мен партадошингиз Нишонбекман» дея ёшлиқларидаги қизик воқеалардан қисқагина эслатибдилар. Бироқ, домла аянам қаттиқроқ койибдилар... Ва, ниҳоят кўлэзмалар институтида стажёр сифатида иш бошлашимга рухсат олибдилар.

Тошкентга келиб, Кўлэзмалар институтида қабулларига кирганимда, чароғон чеҳра билан

«Келодур» радификл шеърини айтиб, кутиб олганлари кечагидек эсимда. Кейин, секингина: «Араб ёзувида ўқишни биласизми қизим», деганларида «камтарлик» билан: «Ёзишним биламан» десам, роса мириқиб қулгандилар... Шундан кейин домла кичикроқ бир хонани кўрсатиб, хонадан хоҳлаган китобимни олиб чиқиш ва ўқишимни айтдилар. Танлаган китобим Алишер Навоийнинг «Бадойи ул-бидоя» асари, очилган варақда эса «Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-худо» деб бошланган шеъри ўрин олган экан. Матни имкон қадар ифодали ўқишга ҳаракат қилдим. Азизхон домла тебраниб тингладиларда, Абдуллатиф домламга қараб: «Ҳаёт учқур отдек елиб ўтапти-я... Кечагина, бу қизимнинг ўрнида камина, бизнинг ўрнимизда Азизхон устозимиз эдилар» дея ёшлиқларини, кейин эса дадам билан бўлган суҳбатларини айтиб бердилар. Шундан дадамларнинг Тошкентга кетишимга бунчалар осон рухсат берганлари сабабини, мени эса суҳбат орасида имтиҳон қилганларини тушундим...

Кўлэзмалар институтида нафақат Азизхон домла, Муҳаммадjon Ҳакимов (1935–2001), Ботирхон Ҳасанов (1940–2002), Саидбек Ҳасанов (1945–2020), Бобоҳон Қосимхон (1945–2019) каби яна бир қанча устозлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлдим.

Биринчи марта тезис ёзиб домлага кўрсатганимда роса мактаб: «Мабодо, таклиф-мулоҳаза юзасидан 1–2 калима ёздим, қабул қилиш-қилмаслик ихтиёригизда» дегандилар. Шундан кейин қувонганча Қўқонга кетганмиз. Дадам ҳам хурсанд бўлиб тезисни ўқиб, кейин «Устоз, мулоҳазаларини Қўқон қоғозига чиройли қилиб ўрабдилар, аслида бошқатдан ёзишингиз керак, қизим», дегандилар. Кейинчалик, устоз билан бир суҳбатда тезис воқеасини айтиб, аввал қулишдик, кейин нимага тезисни хато ёзганимни, аслида қандай бўлиши кераклигини очик-

ойдин айтмаганларини сўрасам: «Унда ҳозир олдимида филология фанлари номзоди бўлмас эди, қаламингизни синдириб кетиб қолардингиз. Устознинг вазифаси – шогирднинг даражасига тушиб тушунтириш, тарбиялаб уни ўзидан юқорига кўтариш» деб жавоб қилганлар.

«XX аср бошлари Қўқон шоирлари Нисо ва Хоний» мавзусидаги диссертациянинг муваффақиятли ҳимоясидан сўнг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга кирдим. Эсимда Азизхон домла 2010–2016 йилларда «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» лойиҳасидаги Андижон, Наманган, Фарғона китоблари мураллифи эканидан қувониб, «Сиз билан фахрланаман» дея икром қилгандилар.

Ҳозирда институтнинг Шарқ мумтоз адабиёти бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритар эканман, устозим академик Азизхон Қаюмовга муносиб шогирд бўлиш, у киши бошлаган ишларни давом эттириш, панду насихатларига амал қилиш, айнақса, ваъдада собит туришга ҳаракат қилиб келяпман. Утган вақт мобайнида институтдаги бошқа устозлар, ҳамкасблар билан ҳамкорликда Кўлэзма девонлар каталоги, Қўқон адабий муҳитига оид монографиялар, шеърый дoston табдилли нашрларини яратдик.

Фалақнинг гардишини қарангки, илк мақоламиз Азизхон Қаюмов раислигидаги «Миллий тикланиш» партияси нашрида эълон қилинган ва илм майдонига қадам қўйишимизга сабаб бўлган эди. Иллар ўтиб яна шу газетادا домлани мунаввар хотираларига бағишланган мақоламни эълон қилмапман.

Дарҳақиқат, ҳаёт қонунияти ва илм тилига кўра, Азизхон домла ҳақиқий оламга кўчдилар. Таъкидлаш жоизки, деярли барча мақолаларда устоз билан ҳамнафасликда ўтказилган умр лаҳзалари илиқ хотираларда акс эттирилган. Улардан Азизхон Қаюмовнинг қанчадан-қанча инсонларни, айнақса, ёшларни ҳам мод-

дий, ҳам маънавий қўллаганлари, сиёсий, илмий, ижодий жабҳада ҳам самимий, инсоний муносабатни қадрлаганлари ва бунда ижобий намуна бўлганларини кўриш мумкин.

Азизхон домлани таниганларнинг аксарияти у кишини кўнрақ ухшатишарди. Ҳақиқатдан ҳам шундай, домла ҳамма илм толибига миллати, дини, ирқидан қатъий назар бир хилда нур сочганлар, илм сарчашмасидан баҳраманд қилганлар. Ушлардан бири бўлиш бахти менга ҳам насиб этганидан бахтиёримиз.

Маълумки, араб тилида «олим» ва «илм» сўзининг ўзгаги «алима» – билмоқ маъносини, «амал» – эса бажармоқ маъносини англатади. Олим – энг аввало, эгаллаган илмига амал қилувчи, илмидаги талабларни бажарувчи демакдир. Устозимиз академик, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг биринчи етакчиси Азизхон Қаюмов ана шундай шарафли зотлардан эдилар. Ушанда маърифатли хонадонда дунёга келиб, маърифат эгалладилар, маърифат зиёсини таратиб ўтдилар. Бугун таваллуд қилганлар. Агар ҳаёт бўлганларида домла 96 ёшга тўлган бўлардилар. Илоҳим, устозимизни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, бизга ўргатган ҳар бир ҳарфлари, кўрсатган меҳру илтифотлари, яхшиликлари учун ажри азимлар ато этсин. Илмига амал қилган олимлар билан пайғамбарлар қаторида жаннатда ҳам нур таратсинлар.



Салимаҳон ЭШОНОВА,  
филология фанлари номзоди,  
ЎзР ФА Шарқшунослик  
институти Шарқ мумтоз  
адабиёти бўлими бошлиғи

Жараён

## Янги тарғиботчилар гуруҳи иш бошлади



Маънавият ҳар қандай даврда ҳам инсониятнинг, жамият тараққийнинг асоси, миллат бирдамлиги, халқнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тинчлик ва фаровонликни бир маромда тутиб турувчи мустақкам пойдевор саналган.

Шу ўринда маънавият тушунчаси замонлар ўтса-да, ўз моҳиятини ўзгартирмаганини, у инсоният тараққийи йўлида тобланиб, эзгу ғоя ва мақсадларга хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Маънавият юксалгани сари эса тараққийнинг мазмун маъноси ҳам бойиб бораверади. Шунинг учун ҳам бугунги глобаллашётган дунёда, хусусан, ижтимоий ҳаётимизда маънавиятга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Маълумки, XXI асрга келиб ёшларда маънавиятнинг шакллантирадиган асосий мезонлар сифатида миллий анъана, урф-одатларимиз, тарихимиздан садо берувчи маънавий мерос, маданий бойликлар ва кўнра ёдгорликлар тилга олинмоқда. Шубҳа йўқки, улар қуршовида камол топган

авлод ўз ватанини, тили, динини қадрлайдиган инсон бўлиб вояга етади.

2021 йилнинг 19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида ўтказилган мажлиси ҳам айнан ана шу масалаларга бағишланиб, унда ушбу соҳани янада ривожлантириш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, хусусан, ҳар бир умумтаълим муассасасида Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими ташкил этиш шартлиги белгилаб қўйилганди. Шундан кейин жойларда ана шу вазифа ижросига қатъий киришилди. Тарғиботчилар зиммасидаги

вазифалар, улар фаолиятининг йўналиши ва мазмуни белгиланиб, улар учун методик қўлланмалар яратиш ҳамда фаолиятларини самарали йўлга қўйишлари учун тизимли тарзда ўқув-семинарлар ташкил этиш масалалари белгилаб олинди. Айни пайтда ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази Бўка туман бўлинмаси ташаббуси билан тумандаги 54 та умумий ўрта таълим мактабларининг тарғиботчилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Қайд этиш жоизки, мактаб ва маҳаллаларда ёшларнинг ўзлари истаган соҳалар бўйича бўлим олишлари учун қулай шароитлар яратиш, қизиқиш ва интилишларини

ўрганиш бугун катта авлод вакиллари олдидида энг бирламчи масаладир. Тарғиботчиларнинг янги гуруҳи эса айнан ана шу жараёнда оила, мактаб ва маҳалла ўртасидаги кўприкка, ёшларнинг эса ишончли тиргакларига айланишлари керак. Семинарларда шунингдек, Бўка туманида кўп йиллар давомида фаолият юритаётган тажрибали устозлар ўз иш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда тарғиботчиларга методик маслаҳатлар ҳам бермоқдалар.

Шахло ЭРКИНОВА,  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази Бўка тумани  
бўлинмасининг тарғибот  
ишларини ташкил этиш ва  
мувофиқлаштириш бўйича бош  
мутахассиси

# БИРРОМЛИК

## ёки маданий пултопарлик «ўйин»ларидан Бош вазир ўринбосарининг хабари борми?



(Хозирги ҳолат)



(Лойиҳа бўйича)



**Ч**ирчиқ шаҳар тарихи музейи директори Миршароф Қаршиевнинг билдиришича, 2018 йилнинг ноябрида мукаммал таъмирлаш ишлари бошланган музей ҳамон ўз фаолиятини бошлагани йўқ.

— Бу масалада 2018-2021 йилларда Маданият вазирлиги, Тошкент вилояти Маданият бошқармаси ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига кўп мурожаат қилдик. Лекин масала ҳал бўлмапти... — дейди М.Қаршиев.

Чирчиқ шаҳридаги музейнинг нима сабабдан уч йилдан буён иш бошлай олмаётганини изоҳлашдан олдин бироз музей тарихига тўхталсак: 1959 йилда Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейи сифатида иш бошлаган бу маскан Тошкент вилоятидаги илк музей ҳисобланади. У дастлаб шаҳар газетаси таҳририятининг тор ва кичик барак хоналарида иш бошлаган, кейинчалик 1942 йилда қурилган «Ўзбеккимё маш» клуби, сўнгра ҳозирги «олтиқиррали» бинога кўчган.

Ашёлари асосан маҳаллий аҳоли ёрдамида йиғилган музейда нафақат шаҳар тарихи ва табиати, ҳатто палеолит даврига оид тош ва суяк қуроллари, Хўжақентдан топилган илк одам манзиллоҳи, бронза асри буюмларигача сақланмоқда. 1961 йилда мамлакатимиздаги биринчи Планетария ҳам айнан шу музейда очилган.

Мустақиллик йилларида музей ашёлари янада кўпайиб, 35 мингга яқинлашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2021 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан музей қайтадан ташкил этилди. Яъни, Ўлкашунослик музейи Чирчиқ шаҳар тарихи му-

зейига айлантирилди.

Бундан уч йил аввал музейни мукаммал таъмирлаш мақсадида бюджетдан 1,2 млрд. сўм ажратилди. Тендерда эса «Sahgixon mukammal qurilish» МЧЖ қолиб бўлди ва 2018 йилнинг ноябр ойида бошланган ишлар 2019 йилнинг декабрига келиб, 95 фоизга яқинланди.

Музейдаги барча эшик ва ромлар янгисига алмаштирилди. Заллар полига мрамар «плита» ётқизилди, сувоқ қилиниб, деворлар гипсокартон билан қопланди. Электр симлари янгиланди, чироқлар алмаштирилди, ёнгиндан оғоҳлантирувчи тизим, 13 та видеокузатув камераси ўрнатилди. Музейнинг олди ҳовлиси ободонлаштирилиб, «брусчатка»лар ётқизилди. Том қисми эса қайтадан ёпилиб, иккинчи қават учун «алоҳида» ташки зина қурилди.

Музейда шунча ишлар бажарилган экан, унда музей маъмурияти яна нимадан норози?

Ҳал шундаки, музейни мукаммал таъмирлаш лойиҳаси сметасида музей биносининг ички ва ташқи дизайнни яратиш, диорама ва экспонатларни реставрация қилиш кўзда тутилмагани сабаб, бу ишлар бажарилмай қолиб кетди. Бу борадаги мурожаатдан сўнг мамлакат Бош вазири Абдулла Арипов томонидан 2019 йилнинг 14 июлида тегишли идораларга айнан шу мақсадлар учун 700 миллион сўмни икки ҳафтадан кечиктирмай ажратиш бўйича топшириқ берилди. Бу борадаги мурожаатдан сўнг мамлакат Бош вазири Абдулла Арипов томонидан 2019 йилнинг 14 июлида тегишли идораларга айнан шу мақсадлар учун 700 миллион сўмни икки ҳафтадан кечиктирмай ажратиш бўйича топшириқ берилди. Бу борадаги мурожаатдан сўнг мамлакат Бош вазири Абдулла Арипов томонидан 2019 йилнинг 14 июлида тегишли идораларга айнан шу мақсадлар учун 700 миллион сўмни икки ҳафтадан кечиктирмай ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Аммо ушбу маблағ Маданият вазирлиги буюртмасига асосан негадир витриналар тайёрлаш учун «Профмебель» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Аслида маблағнинг маълум қисми витринага, қолгани

эса юқорида қайд этилган мақсадларга сарфланиши кўзда тутилган эди.

— Шундай бўлса-да, музейимизга замонавий витриналар ҳам керак эди. Бир муаммомиз ҳал бўлганидан хурсанд бўлдик, — дейди музей раҳбари. — Одатда уйингизга бирон мебель олмоқчи бўлсангиз, хонадонингизнинг ўлчамидан келиб чиқиб танлайсиз. Аммо бизда акси бўлди. Келтирилган витриналар на музей биносига мосланган, на тарихий ашёлар ўлчамига. Камига ихчам ва замонавий кўринишга ҳам эга эмас. Биз ўлчам ва суратлари билан юборилган витрина лойиҳаси эса негадир эътиборга ҳам олинмади. Ҳозиргача музейга келтирилган витрина ҳужжатларини кўлимизга ҳам олганимиз йўқ, яъни «олди-берди» далолатномаси тузилмади. Мутахассислар томонидан музейга келтирилган витриналар талаб даражасида тайёрланмагани, дид билан ишланмагани, сифатсизлиги ва энг ёмони асл таннарихидан бир неча баробар банд ҳисоб-китоб қилингани аниқланди. Бош прокуратура ҳам ушбу қонун бузилишдан хабар топди ва суриштирув ишлари олиб борилди. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар ҳам кўрилди.

Музейнинг ички биноси капитал таъмирланган бўлса-да, лекин жиҳозлашга келганда уч йилдан буён маблағ топилмапти. Шу боис, музей ҳамон очилгани йўқ. Бунинг учун аввало дизайн ва диорамаларнинг ички реставрацияси тўлиқ яқунлиши лозим.

Иккинчи қаватдаги Планетариянинг ускуна ва жиҳозлари 1960-70 йилларда ишлаб чиқарилгани учун ҳам яроқсиз ҳолга

келиб қолган. Планетария жойлашган зал ҳам замонавий кўринишга эга бўлиши лозим. Агар музейга асосан ўқувчилар, ёшлар келишини инобатга олсак, улар учун коинотга ҳақиқий маънодаги виртуал саёҳатни ташкиллаштиришимиз керак. Мактаблардаги тарих, география, астронимия билан боғлиқ айрим дарслар шу ерда ўтказилса, менимча, ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам фойдали бўлади. Ҳозирги ёшларни қуруқ гап билан ишонтириш қийин.

Музей биносининг олд фасад қисмига музейни акс эттирувчи «барельеф»лар ўрнатилиши лозим. Кўرғазма залларидаги бўш деворларга ҳам ҳар бир бўлим мавзусидан келиб чиқиб, тарихий воқеалар акси туширилган фотолавлар ва замонавий техника воситалари (мониторлар) ўрнатилиши керак.

Музей орқа ҳовлисини кўкаламзорлаштириш ва йўлақларга «брусчатка»лар ётқизиши, ҳовли деворларига тарихга хос ҳайкал-тарошлик ишлари, ҳовли марказида эса сайёҳларни жалб қилувчи экспозициялар ва мўъжаз фаввора, дам олиш ўриндиқлари қўйилиши, музей атрофи ва ҳовлисига замонавий ёриткичлар ўрнатилиши керак.

Музейнинг ён қисмидаги тўртта қаровсиз ётган гараж олиб ташланиб, автоуловлар учун тураргоҳ барпо қилиниши лозим.

Муаммолардан яна бири музейда ҳамон иситиш тизимининг йўқлигидир. Директорнинг билдиришича, яқинда Чирчиқ шаҳар ҳокими Даврон Ҳидоятовга ҳам бу ҳақда мурожаат қилинган. Мурожаатдан сўнг шаҳарнинг янги ҳокими музейга келиб ҳам кетган. Ноёб экспонатлар, ўрта асрларга тааллуқли жаҳон

дурдоналарини кўриб қойил ҳам қолган. Иссиқлик билан боғлиқ муаммони эшитиб, ҳолат бўйича шаҳар мутахассисларга топшириқ ҳам берган. Шундан сўнг шаҳар иссиқлик таъминоти хизматидан вакиллар келиб, кўриб, ўлчаб, «минг метр труба керак экан» деган тўхтамга келишибди.

— Ҳозирча умид қилиб турибмиз. Лекин юқорида санаб ўтганимиздек, камчиликларимиз шунчалик кўпки, улар биргина Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг кучи билан ҳал бўлиши қийин. Шунча муаммоларга қарамай, тажриба тариқасида ўтган 2021 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Интернет тармоғи ва телеграм каналимиз орқали «музейга кириш мутлақо бепул»лигини эълон қилиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини музейга чорладик. Натижада шунчалик кўп одам келдики, беихтиёр одамларнинг музейларга, у орқали тарихимизга, маданиятимизга бефарқ эмаслигини кўрдик. Яқинда музейга хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича туристик фирмалардан ҳам вакиллар келиб кетди. Лекин бугунги ҳолатда нафақат хорижий, маҳаллий сайёҳларни ҳам жалб қилиб бўлмайди, — дейди музей раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам музей томошабинларни қабул қилишга тайёр эмас. Жиҳозлар фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган. Ички дизайн ишлари эса ўтган асрнинг 70 йилларига тегишли. Музейда ун минут бўлган бўлсам, оёғимиздан шунчалик зах ўтиб кетдики, кун бўйи ишлаётган ходимлар жонига тўзим тиладим.

М.Қаршиев музейда олиб борилган ишларнинг лойиҳалари, эскизлари тайёрлангани, ҳатто мутахассислар жалб этилган ҳолда унга тахминан қанча маблағ

сарфланиши ҳисоб-китоб қилинганини айтди. Улар билан танишиб, шаҳарнинг қоқ марказида, кичик майдонни эгаллаган музей энг гавжум ва энг обод масканга айланишига ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратсак: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қароридан мукаммал таъмирланиб, замонавий талаблар даражасида тўла жиҳозланадиган музейлар рўйхатида Чирчиқ шаҳар тарихий музейи ҳам кўрсатилган. Бунинг учун 2018-2019 йилларда республика бюджетидан қанча маблағ ажратилиши лойиҳани амалга ошириш мuddати, масъул идоралар номигача аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Яъни, ишлар 2019 йилда тугатилиши керак эди.

Қарорда бажариладиган барча ишлар ижросига Маданият вазирлиги масъул идоралардан бири сифатида кўрсатилган. Аммо музей-ларни назорат қилиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари энди янги ташкил қилинган вазирлик — Туризм ва спорт вазирлиги ихтиёрига ўтганини таъкидлаш лозим. Яъни, энди барча музейлар вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос агентлигига қарашли.

Демак, барча умид халқимизнинг бой маданий бойликларини асраб-авайлаш дунёга бетакор ва бой тарих, ноёб дурдоналаримизни кўрсатиш ва бу орқали Ўзбекистонни туризми ривожланган давлатлардан бирига айлантириш борасида тиним билмаётган Бош вазир ўринбосари, туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимовдан.

Равшан МАҲМУДОВ,  
«Миллий тикланиш»  
мухбири

Кечинма

## Мени йиқлатган ҳолва



**Эрталаб бошимни кўтаролмай компьютерда ишлаб ўтирсам, ҳамкасбим Сардор кириб келди. Қўлида ёнғоқли ҳамда бир дона «соч ҳолва» (бизни қишлоқда шунақа дейишарди). Менга ёнғоқли ҳолва олиб келганини айтганида мен бунни эмас «соч ҳолва»ни яхши кўришимни эшитиб, ҳайрон бўлди.**

— Наҳотки, бу оддий ҳолваку, — деди у бир ҳолвага, бир менга қараб. Ҳа, у бечора қаердан ҳам билсин ана шу оддий ҳолвани нега яхши кўришимни... Мен эса Сардор хонадан чиқиб кетгунича йиғидан ўзимни базўр ушлаб турдим. ...Жуда ёш, адашмасам, 2-ёки 3-синфда ўқирдим. Мактабимизда сайлов бўлаётган эди. Мен эрталаб отамдан олганим — 1 сўм пулга бир дунё ширинликлар ва 2 дона «соч ҳолва» сотиб олдим. Мактаб ёнидаги тиббиёт пунктида ишлайдиган онамнинг ёнига кириб, бир дона ҳолвани уларга бермоқчи бўлдим. Аммо онам юзимдан ўлиб, яна ўзимга

қайтариб бердилар. Йўлда ҳолвамнинг бир донасини дугонамга бердим. Уйга келгач, ҳолвани эсимдан чиқарибману, ўйнагани кўчага чиқиб кетибман. Қош қорайиб, уйга қайтганимда ҳолвамни асар ҳам қолмаганди. Билсам ҳолвамни ўзимдан 3 синф баланд ўқийдиган акам еб қўйибди. Шундан кейин уйни бошимга кўтаргунча йиғлай бошладим. Вақт кеч бўлган, у пайтлар дўконлар йўқ, қишлоғимиздаги дўкон эса аллақачон ёпилган, туман баланд ўқийдиган бўларди. Уйдагилар ҳар қанча юпатмасинлар йиғидан тўхтамасдим. Ҳатто турли

ширинликлар, пул берсалар ҳам йиғидан тўхтамасдим. Шундан кейин отажоним уйдан чиқиб кетиб, ярим тунда менга «бир дунё» соч ҳолва олиб келганлари кечагидек эсимда. Кейин билсам, отам минг азоблар билан туман марказига бориб, ҳолвапазнинг уйини қидириб топган ва менга ҳолва олиб келган эканлар. Шундан кейин отамни қанчалар овера қилганимдан уялиб, ҳолвани егим келмай қолди, эртаси кун биттасини аранг едим, қолганини эса дастурхонга қўйдим. Аммо афсуски ҳолвага ҳеч ким қўл ҳам узатмади. Акажонимга ялдиним, у ёшиш туғул, ҳатто ҳолвага қараб ҳам қўймади...

Хуллас, 3-4 кун ўтгач, ўша ҳолвалар қўшни болаларга тарқатилди... Сардорнинг Самарқанддан олиб келган ҳолваси ўша хотираларни уйғотди. Марҳум отажоним ва онажонимни, элликка ҳам тўлмай бизни зор йиғлатиб кетган — акажонимни эсладим. Қанийди, улар ҳаёт бўлганларида эди, мен юзлаб, минглаб, ун минглаб ҳолва кўтариб борсам... Отажоним, онажоним ва сукукли акажонимни, барчамизнинг дунёдан ўтган ақинларимизни Аллоҳ раҳмат қилиб, уларнинг охирашларини обод қилсин!

Саодат  
БОЙМИРЗАЕВА





Мухтор КОМИЛ

Юракнинг бир банди узилган кеча,  
 Асрлар сингари чўзилган кеча,  
 Чимилдиқ ичида сенинг ўрнингда,  
 Ўзга бир келинчак сузилган кеча,  
 Юракнинг бир банди узилган кеча...

Мен басир эдимми, ишқми кўзи кўр.  
 Қисматми бошимга ташлагувчи тўр,  
 Ёмғирларми ёғди ёшми билмадим,  
 Лабларимга томган томчи эди шўр.  
 Мен басир эдимми, ишқми кўзи кўр.

Тақдирми, бошимда ўйнаган қамчи?  
 Сочингми, армоним учган арғамчи?  
 Наҳотки?... Сен мисан ўша алдамчи?  
 Тақдирми, бошимда ўйнаган қамчи?

Бошимни боғлашди, боғландим, жоним,  
 Қалбимни доғлашди, доғландим жоним,  
 Сенинг хузурингга бормоқчи бўлиб,  
 Неча бор чоғландим, чоғландим, жоним,  
 Бошимни боғлашди, боғландим, жоним,

Юракнинг бир банди узилган кеча,  
 Асрлар сингари чўзилган кеча,  
 Чимилдиқ ичида сенинг ўрнингда,  
 Ўзга бир келинчак сузилган кеча.  
 Юракнинг бир банди узилган кеча.

#### БУ ГУЛЛАР

Тош ҳайкалдек қотаман бир зум,  
 Сўнг куламан қаҳқаҳа отиб...  
 Истеҳзога ўхшаш табассум,  
 Лаблариди қолади қотиб.  
 Кетаяпман. Кечдим баридан...  
 Кетаяпман. Унмайди йўлим...  
 Бўм-бўш, совуқ чўнтақларимдан,  
 Ниманидир излайди қўлим.  
 Ҳа-я пулим... сўнги пулларим...  
 Гул олгандим гулдай очилиб.  
 Эсиз қимматбахо гулларим  
 Йўл четиди қолди сочилиб.  
 Кайфиятга оҳанг ҳамнафас...  
 Хуштак чалиб қайсидир куйга.  
 Кетаяпман оёғим портмас,  
 Мен яшаган ижара уйга.  
 Нотинчликда хона қандай тинч  
 Хўрсинаман суратлар ёқиб.  
 Ва қандайдир қайноқ бир соғинч,  
 Кўзларимга чиқади оқиб.  
 Беғонадай туюлар шаҳар,  
 Ёлғизлигинг қолса билиниб...  
 Қуш уйқусига қўнганда сахар  
 Кипригимга тушлар иланиб.  
 Тўшагимда тўлганган оним,  
 Чорлар мени кадрдон йўллар  
 Чорлар мени нарху, навони,  
 Билмай ўсган кадрдон гуллар.  
 Йўқ, бу гуллар назаргир эмас,  
 Лек, муаттар ҳидга тўладир  
 Ифориладир, бозоргир эмас,  
 Бу гулларни севса бўлади...

#### ИШҚ ШАРОБИ

Лаболаб ишқ шаробин ич,  
 Қониб кетгил, қониб кетгил.  
 Қоронгу кунларингдан кеч,  
 Яна рўшнолиб кетгил.

Яна ойна қилиб ойни,  
 Оламга очил чиройни,  
 Яна кўнглим каби жойни,  
 Бузиб, мендан тониб кетгил.

Хаёлатнинг жиловин ол,  
 Муҳаббатнинг яловин ол,  
 Кел-ей, қалбим оловин ол,  
 Ёниб кетгил, ёниб кетгил.

Баҳор узра, қишингдан кеч,  
 Ғаминг билмас қишингдан кеч.  
 Мени кўрсанг, тушингдан кеч,  
 Илоҳо, уйғониб кетгил.

#### Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 19-yanvar	+8° +2°	yomg'ir	100%
Payshanba 20-yanvar	+8° +1°	ochiq havo	0%
Juma 21-yanvar	+8° +2°	ochiq havo	0%
Shanba 22-yanvar	+5° +2°	qor aralash yomg'ir	56%
Yakshanba 23-yanvar	+5° +1°	bulutli	8%
Dushanba 24-yanvar	+6° +2°	bulutli	0%
Seshanba 25-yanvar	+6° +1°	bulutli	0%

«МИЛЛИЙ  
 ТИКЛАНИШ»  
 ДЕМОКРАТИК  
 ПАРТИЯСИНING  
 IJTIMOIY-SIENSIY  
 GAZETASI

#### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ,  
 Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир  
 МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,  
 Иброҳим ҲОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО,  
 Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек  
 ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза  
 МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон  
 ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
 Миродил АБДУРАҲМОНОВ

#### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
 Учтепа тумани,  
 Мақсуд Шайхзода  
 кўчаси, 1 А-уй.  
 Газета таҳририят  
 компьютер  
 марказида терилди  
 ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри  
 таҳририят нуктаи  
 назаридан фарқ  
 қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий  
 эътиборимизда бўлиб, улар  
 муаллифларига қайтарилмайди.

#### Навбатчи муҳаррирлар:

Дониёр ТОШБОВЕВ,  
 Равшан МАХМУДОВ  
**Навбатчи:**  
 Вилоятхон ШОДИЕВА  
**Дизайн гуруҳи:**  
 Маъмуржон ҚУДРАТОВ,  
 Лазиз МЕЙЛИКОВ,  
 Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-маъбаа акциядорлик компаниясида  
 chop этилди.  
 Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот  
 агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
 Газета ҳафтанинг chorshanba кунин чиқади.

Адаби – 10 057.  
 Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
**Қоғоз бичими:** 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ  
 Буюртма – 116  
 Босишга топшириш вақти 21.00.  
 Топширилди 2:40

#### Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

#### ISSN 2010-7714



«Бугун олдимизда турган энг оғир масала бу – фатво масаласидир. Эътибор қилаётган бўлсангиз, интернетда, ижтимоий тармоқларда ҳамма фатво беряпти. У хоҳ домла бўлсин, бўлмасин, хоҳ (фатво) беришга ҳақли бўлсин, бўлмасин. Мана шу масала бизни кўп ташвишга соляпти.

Аслида фатво берувчи дегани бу – муфтий дегани. Мен оддий халққа ёки имомларга айтаманки, шу масъулиятни гарданингизга олишдан кўринг. Мен имомлигимда буни билмасдим, лекин муфтийлик масъулияти елкамга тушгач, шуларни ўйлаб, кўзимдан уйқу йўқолди. Чунки эндиликда миллионлаб мусулмонларга фатво беришдек қийматли масалани қабул қилдим. Бу

осон эмас. Шунинг учун, ҳозир бирор фатвони қабул қиладиган бўлсак, ўша масалани аввало уламолардан иборат фатво бўлимимизга тақдим қиляпмиз. Уламолар фатво масаласида барча масалани чуқур ўрганиб, кейин одамларга етказяпти. Биз шулардан келиб чиқиб, фатво масалаларини кучайтирмақчимиз. Бу борада Аллоҳ насиб қилса, фатво

бўлимимизни Фатво марказига айлантираимиз. Ундаги малакали имомларни эса янада кўпайтираимиз. Керак бўлса, уларни «Дорул-ифто»га малака оширишга ҳам юборамиз. Бу менинг муфтийликдаги энг катта вазифаларимдан бири бўлади».

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,**  
 Ўзбекистон Мусулмонлари идораси  
 раиси, муфтий

#### Мунгли кўшиқ

## Нафақат ташлаб кетилган, балки воз кечилган бўлсанг-чи?!

Журналист бўлиб ишлаган кезларим бир даврада жажжигина қизалоқ гўзал алла айтди. Ҳайратдан эгим жимирлади. Агар бола овози билан айтилган оналар кўшиғи яна бир дақиқа давом этса, хўнграб йиғлаб юборишим турган гап эди... Чунки ижронинг мукаммалиги-ю дурдек төрилган сўзларнинг маъносидан мен бошқа нафис ва дилхунликдан мутлақо холи мунаввар оламнинг энг азиз ва қутулган меҳмони эдим. Ҳали оналик бахтига муяссар бўлмаган, унинг гашиги ва азобини чуқур ҳис қилмаган болажоннинг алласи ҳозир ҳам кулоғимда, қалбимда жаранглайди. Нега менга жажжи юракнинг ноласи шу қадар таъсир қилди?! Нега у ўзини нафақат менга, балки орамиздаги айрим унча-мунчага таъсирланмайдиганларга ҳам эшиттира олди?! Ахир олдимдаги елкасини силкиб-силкиб йиғлаётган одам, кимсан фалончи. Қандай яхши, юраги бор раҳбарларни кўриш! Шу ўй-хаёллар оғушида кўшиқ тугагач, қутилмаганда эшитган шум хабардан афғор ҳолга тушдим. Алла айтган қахрамоним чин етим экан.

Кейин унинг тақдири билан яқиндан қизиқа бошладим. Унинг бетакрор фазилатларини тарбиячиларидан эшитиб, Экзюперининг «Кичик шаҳзода»сининг синглиси меҳрсизлик оловида ёниб кул бўлаётган жамиятимизда биз билан бирга яшаётганини англадим. Меҳр берсанг, меҳр оласан, – деган нақл бор. Нафақат ташлаб кетилган балки, воз кечилган бўлсанг-чи?! Меҳр кўрмаган бола меҳр кўрсатиши мумкинми?! Мумкин. Агар у «Кичик шаҳзода»нинг синглиси бўлса. Ҳар соҳада аёвсиз рақобат одамгарчиликни янчиб ташлаётган шавқатсиз дунёда бизга Одам бўлишни эслатиб турган кечиримли ва беғуноҳ фарзандларимиз омон бўлишимин!

Ўзини дунёда қидириб сарсон юрган қора кўзларимизни ўз бағрига олган 14 қарра Қаҳрамон Мурод Назаровлар оиласига таъзим. Зеро, ёлғизликдан ортиқ фожиа йўқ! Айниқса, болаликда... Сен етим эмассан энди, Болажон!

**Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА**нинг  
 facebookдаги саҳифасидан олинди.



## «Эркатой»нинг тақдири

Мабодо ҳукмдор сизни ёқтирса ва ўзига яқин олса, энди бемалол истаган ишимни қилишим мумкин, деган хаёлга борманг. Аввал ҳукмдор илтифоти ва ишончига сазовор бўлиб, бундан кеккайиб кетган, сўнг ғазабга учраб ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган эркатойлар тақдири ҳақида кўплаб китоблар ёзиш мумкин. XVI асрда Япониянинг қудратли ҳукмдори Тоёмоти Хидэйошининг сундо Рикю исми ишонган мулозими бўлган. Чой дамлаш маросимининг устаси фаранги бўлган бу кимса, кейинчалик ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчисига айланган. Саройда унинг алоҳида қасри бўлиб, ўзи бутун Японияга танилади. Ҳўш, нима бўлди дейсизми? 1591 йил Хидэйошининг буйруғига биноан Рикю қамоққа олиниб, ўлимга ҳукм қилинади. Қатлдан аввалроқ Рикю

ўз жонига қасд қилади. Ҳукмдорнинг яхши муносабати ва ўзига яқин тутиши, кўп нарсани у билан маслаҳатлашишдан Рикюни боши айланиб, тантиқланиб кетганди. Ўзи деҳқон оиласидан чиққанлигига қармасдан шиппак кийган ҳолатдаги ҳайкалчасини ясаптиради (У пайтда шиппак кийиш зодагонлар авлодидан чиққанлик белгиси эди). Рикю ўзининг ҳайкалчасини ҳукмдорнинг оила аъзолари сайи қилиб юрадиган сарой ичидаги ибодатхона ҳовлисига ўрнатади. Ҳукмдор учун мулозимнинг бундай қилиги меъёр ва ўзининг қимлигини билмасликдан бошқа нарса эмасди. Рикю тақдири, мансаб-мартабаси императорнинг қўлида эканини унутиб, олий ҳукмдор қандай ҳуқуқларга эга бўлса, мен ҳам шундай имтиёзларга эгаман, деган хом хаёлга боради. У юқори мартабага ҳукмдор

муруввати ва яхшилиги билан эмас, ўзим зўр бўлганлигим учун ўз кучим билан эришдим, деган мутлақо янглиш қарорга келганди. Бу ўз шахсига кечириб бўлмас даражадаги ортиқча баҳо эди ва шу сабабдан Рикю ҳалокат чоҳига кулади. Мўътабар фикр. «Хўжайинни босиб ўтиб кетманг. Ҳар қандай устунлик нафрат кўзгатади, бироқ хизматкорнинг княздан устунлиги шунчаки аҳмоқлик эмас – у ҳалокатлидир. Бу сабоқни кўкдаги юлдузлардан ўрганинг: юлдузлар балки кўёшга ўхшаб кетар, унинг каби нур таратар, бироқ ҳеч қачон кўёш доирасида кўриниб бермайдилар».

(Бальтазар Грациан, 1601-1658)  
 Роберт Грин. «Ҳокимиятнинг  
 48 қонуни».

**Жалолиддин САФОЕВ таржимаси.**